

Жамият акциядорларининг  
2021 йил 10 август кунги  
навбатдаги умумий  
йиғилишида  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«**JAHON SAVDO KOMPLEKSI**» AKSIYADORLIK JAMIYATIDA  
«**МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ВАҚТИДА**  
**ХАРАКАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**»ги

## **НИЗОМ**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

1.1. Мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармонининг ижроси ҳамда 2017 йил 10 мартдаги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жорий этилган жамият «Корпоратив кодекс» талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, «**JAHON SAVDO KOMPLEKSI**» АЖ (бундан буён матнда «Жамият»)да юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатини аниқлаш ва тартибга солиш қоидаларини белгилайди.

1.2. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида жамият бошқаруви, бўлим бошлиқлари ва ходимларининг, туман (шаҳар) филиаллари раҳбари ва ходимларининг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда жамият шартнома муносабатларини ўрнатган кредиторлар, контрагентлар, бошқа ташкилотлар ва шахслар (матн давомида – «Мижозлар» деб юритилади)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасида жамиятнинг бошқаруви, бўлим бошлиқлари ва ходимларининг, туман (шаҳар) филиаллари раҳбари ва ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида мижозларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар оқибатида юзага келадиган зиддиятлар туфайли манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, жамиятнинг акциядорлари манфаатлари ўртасида ҳамда жамият бошқаруви, бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар) филиаллари раҳбари ва ходимларининг ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги (корпоратив низо) юзага келиши мумкин.

1.3. Мазкур Низомда манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

➤ мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетларига эга акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кичик миқдорли акцияларга эга акциядорлар) ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги;

➤ жамият бошқаруви ва туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги;

➤ жамият бошқаруви ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари ва Мижозлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги;

➤ жамият бошқаруви ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги;

➤ жамият бошқаруви аъзолари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги.

### **II. НИЗОМ ТАЪСИРИ ОСТИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ.**

2.1. Мазкур Низом талаблари жамият бошқаруви аъзолари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари эгаллаб турган лавозим даражалари ва хизмат вазифаларидан қатъий назар барча ходимлар фаолиятида амал қилиниши шарт.

2.2. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисидаги талаблар жамиятнинг фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар асосида ҳамкорлик қилаётган юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлган вазифалар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ҳужжатларида тасдиқланган ҳолатларда ёки бевосита қонунчилик талабларига мувофиқ тадбиқ қилинади.

### **III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ БОШҚАРАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.**

3.1. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршиликларини бошқариш қуйида қайд этилган асосий тамойилларга асосланади:

- ҳақиқий манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин бўлган ёки келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбурийлиги;
- ҳар бир манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолати аниқланганда жамият манфаатлари учун путур етказиш хавфларини алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳамда уларни ҳал қилиш;
- манфаатлар қарама-қаршилиги ва унинг ҳал қилиниши тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилиниш жараёнининг қатъий махфийлиги;
- манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш ва бошқаришда ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашиш ва жамият учун ишчанлик қобиляти (репутация) таваккалчилигини баҳолаш;
- манфаатлар қарама-қаршилиги ҳал қилишда жамият бошқаруви аъзолари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари манфаатлари мувозанати (баланси)га риоя қилиш;
- манфаатлар қарама-қаршилигини бошқаришда жамият бошқаруви аъзолари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари ҳамда жамият манфаатлари ўртасида мутаносибликни сақлаш;
- манфаатлар қарама-қаршилигини ҳолати бўйича ахборотни ўз вақтида ошкор қилган ходимга нисбатан, тазйиқ ўтказилишидан ҳимоя қилиш.

### **IV. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ).**

4.1. Мазкур Низомга асосан жамият манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича маълумотларни ўрганиб чиқиш, ўрганилаётган даврда маълумотлар махфийлигига амал қилиш ва манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш мажбуриятини олади.

Ҳар бир манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган вазият, у бўйича тушаётган маълумот маъсул шахслар (ички аудит хизмати, корпоратив маслаҳатчи ёки манфаатлар қарама-қаршилигини кўриб чиқиш бўйича тузилган комиссия) томонидан диққат билан ҳар томонлама ўрганиб чиқилади ва манфаатлар қарама-қаршилиги шароитидан жамият манфаатларига таъсирсиз чикиб кетиш йўллари аниқланади.

Натижада, жамият томонидан белгиланган маъсул ходим (комиссия) томонидан манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин деб хулоса қилинган ушбу маълумотларни жамият манфаатларига таъсирсиз чикиб кетиш йўлларини аниқланса, ушбу масалани манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келмаслиги ва алоҳида ўрганиб чиқиш учун зарурият йўқлиги тўғрисида хулоса қилиши мумкин.

4.2. Қуйидагилар натижасида жамиятнинг миноритар ва мажоритар акциядорлари, жамият бошқаруви ва акциядорлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин:

- амалдаги қонунчилик талаблари, меъёрий (норматив) ҳужжатлар ва жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;
- миноритар акциядорларнинг жамият фаолиятига ва акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсата олмасликлари;
- аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш ҳамда йирик битимлар тузиш бўйича қарор қабул қилиш ваколати юклатилган органнинг олдиндан розилиги олинмаслик;
- жамият бошқаруви томонидан жамиятнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилувчи қарорлар қабул қилиниши;
- амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ ахборот ошкор қилинмаганлиги ёхуд жамиятнинг бошқаруви таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлардаги бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари тўғрисида, бошқа жамиятлар ҳиссалари (акциялари)га эгаллиги тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим қилинмаганлиги.

4.3. Жамият бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари ва мижозлар ўртасида манфаатлар қарама-қаршиликлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонунчилик талаблари, норматив ҳужжатлар, таъсис ҳужжатлари ва жамиятнинг ички ҳужжатлар талабларига амал қилинмаслиги;
- акциядорларнинг манфаатларини устунлик тамойилига риоя қилмаслик;
- мижоз манфаатларининг жамият манфаатлари олдидаги устуворлик тамойилларига (принципларига) риоя қилмаслик;
- қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат мезонларига риоя қилиш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, этика ва эстетика нормалари, ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойилларига риоя қилмаслик;
- жамият ва тарафлар (мижозлар) томонидан шартномавий мажбуриятларни бажарилмаслик;
- амалдаги қонунчилик ва жамият ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз мансаб ваколатларини бажармаганлик.

4.4. Қуйидагилар натижасида жамият бошқаруви, бўлим бошлиқлари ва ходимлари ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги юзага келиб чиқиши мумкин:

- амалдаги қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларини бузилиши;
- қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат мезонларига риоя қилиш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, этика ва эстетика нормалари, ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойилларига риоя қилмаслик;
- жамият фаолияти билан боғлиқ ҳам шахсий, ҳам оила аъзолари томонидан тижорат фаолияти юритилиши;
- аффилиланган шахсларнинг тижорат муносабатларига киришиши;
- жамият шартнома муносабатларини ўрнатган бошқа ташкилотда молиявий манфаатлар мавжудлиги;
- жамият билан иш юзасидан муносабатларга киришган бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида раҳбар бўлиш, унинг бошқарув органида ёки мансабдор шахс сифатида ишлаш;
- жамият манфаатларига зарар етказилган ҳолда, шахсий манфаатларни кўзлаб бошқа ташкилотларга амалий имкониятларни тақдим қилиш.

## **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.**

5.1. Жамият устави ва ички ҳужжатларида манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш ва у вужудга келганда уни бошқаришнинг умумий механизмлари белгилаб қўйиш кузда тутилган.

5.2. Мазкур Низом манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш учун жамият бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чораларни белгилаб беради.

5.3. Ҳар қандай турдаги манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш, бартараф қилиш мақсадида жамиятнинг бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари, моддий жавобгар шахслари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, жамият устави ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- манфаатлар қарама-қаршиликларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этмаслик ва қарорлар қабул қилмаслик;
- жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;
- жамиятнинг ноқонуний фаолиятини, шу жумладан жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш (четга чиқариш) ва терроризмни маблағ билан молиялаштириш каби ноқонуний хатти ҳаракатларни содир этилишини олдини олиш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқаришда (ишлар бажаришда, хизматлар кўрсатишда) максимал имконият даражасида самарадорликни таъминлаш;
- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ йилнинг ҳар чорагида кузатув кенгаши олдида ҳисобот бериш;
- жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни жорий қилиш;
- қонунчиликда белгиланган йирик битимлар, алоҳида ёки ўзаро боғлиқ бўлган биргаликдаги суммаси белгиланган миқдордан ошувчи битимларни ваколатидан келиб чиқиб жамият кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида амалга ошириш;
- амалдаги қонунчиликда ва жамият устави билан белгиланган миқдорлардан юқори бўлган йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни кўриб чиқиш учун кузатув кенгашига тақдим қилиш;
- назорат органлари томонидан барча йирик ва аффилиланган шахслар билан амалга оширилган битимларни доимий ўрганиб борилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- зарур ҳолларда, амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларига мувофиқ битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар жамият кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинганда мулкнинг бозор қийматини белгилаш учун мустақил баҳолаш ташкилотини жалб қилиш;
- жамиятнинг аффилиланган шахслар ҳисобини юритиш, жумладан:
  - а) аффилиланган шахслар;
  - б) жамият акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилинишини таъминлаш.
- жамиятнинг ваколатли органининг розилигисиз йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузмаслик;
- жамият кузатув кенгашининг рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқаруви ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;
- жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаш;
- акциядорларга, назорат қилувчи органларга, кредиторларга, бошқа манфаатдор тарафларга ҳамда реклама мақсадида тақдим қилинадиган молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

- жамиятнинг ходимлари ва мансабдор шахслари томонидан уларнинг хизмат вазифасини бажаришда маълум бўлган жамият тўғрисидаги ахборотларни ўз шахсий мақсадлари учун фойдаланмаслигини таъминлаш;
- оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот тарқатиш воситаларидаги жамият тўғрисидаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғри ёндашилганлигини назорат қилиб бориш. Тарқатиладиган ҳар бир салбий ва нотўғри ахборотларни ўрганиб бориш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш;
- жамият ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;
- бошқарув органлари ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг адекватлигини таъминлаш, уларнинг миқдорини эришилган ютуқлар натижасига мутаносиблигини таъминлаш;
- жамият томонидан ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда барқарор даромад олинишини таъминлаш.
- жамиятнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;
- жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган ҳақларнинг жамиятнинг молиявий аҳволига, шунингдек жамият фаолиятининг олдиндан режалаштирилган кўрсаткичларига асосан эришилган натижаларига мувофиқлигини таъминлаш;
- касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

5.4. Жамият акциядорлари ўртасидаги, шунингдек жамиятнинг бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари ва «O'zagrokimyoohimoа» AJ (таъсисчи) ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршиликларининг олдини олиш мақсадида бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари томонидан қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- қонунчилик талабларига мувофиқ ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотни ўз вақтида акциядорларга етказилишини таъминлаш;
- ҳисобланган дивидендларни ўз муддатида тўланишини таъминлаш;
- акциядорларга манфаатлар қарама-қаршиликларни туғдириши мумкин бўлган саволлар бўйича асосли ахборотларни тақдим қилиш;
- жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг объектив, холис, бетараф ва жамият ривожлантириш стратегиясига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг таркибига мустақил номзодларни киритишга интилиш.

5.5. Жамиятнинг бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари ва мижозлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқишининг олдини олиш ва уни бошқариш мақсадида бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- белгиланган тартибда жамият тўғрисидаги ахборотларни бериб бориш;
- тижорат сири ва қонунчилик талаблари асосида ошкор қилинмаслиги белгилаб қўйилган ахборотлардан фойдаланишда уларнинг махфийлигини таъминлаш;
- маҳсулотлар сотиш ва етказиб беришни ва (хизматлар) бажаришни ва мижоздан шартномада ўзаро келишилган асосда белгиланган миқдорда ёки тегишли маълумотлар тўлиқ ошкор қилинган тарифларга мувофиқ ҳақ ундириш;
- ўз мижозлари учун маҳсулотларни етказиб беришни ва (хизматлар) бажаришни юқори малакали, пухта ва ҳалол реализация қилиш, шунингдек мижозлар топшириқларини жорий бозор шарт-шароитларидан келиб чиқиб молиявий самарадорлик нуқтаи назаридан имкон даражада энг яхши тарзда бажариш;
- мижоз шубҳасиз хато қилганда (шу жумладан, мижоз томонидан имзоланган буюртманома, ариза ва бошқа ҳужжатда) ходимлар томонидан ушбу вазиятдан шахсий мақсадларда онгли равишда фойдаланишни олдини олиш. Мижоз топшириқномасида бундай хато мавжуд бўлган тақдирда, жамият маъсул ходими хато топшириқнома

бажарилишининг олдини олиш бўйича оқилона чоралар кўриши ва бу тўғрисида миждозни хабардор қилиши керак;

➤ миждозга берилган тавсиялар тегишли масала бўйича мавжуд ахборотнинг виждонан таҳлилига асосланишини таъминлаш;

➤ жамиятдаги қоғоз, магнитли ва бошқа турдаги ташувчиларда мавжуд хизматга тегишли ёки тижорат сирини ўз ичига олган ахборот жамиятнинг бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахслари розилигисиз сотиш, бериш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмаштириш ва бошқа тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланмаслиги учун жамият фаолияти жараёнида яратилган, ўзлаштирилган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

5.6. Жамиятнинг бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазибаларини бажаришда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршиликларининг олдини олиш мақсадида бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари куйидагиларни амалга оширишлари шарт:

➤ касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;

➤ шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

➤ манфаатлар қарама-қаршилигини юзага келишига шарт-шароит яратувчи ҳолатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида жамият бошқарувини ўз вақтида огоҳлантириш;

➤ жамият бошқаруви ёки унинг оила аъзолари томонидан сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ва жамият тижорат фаолияти юритаётган ёки юритишни мўлжаллаган юридик ташкилотлар, хусусий корхоналар тўғрисида жамият бошқарувини шахсни ёзма равишда хабардор қилиш;

➤ жамият бошқаруви ёки унинг оила аъзолари томонидан сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ёки аффилиланган шахс бўлган ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолиятдан сақланиш;

➤ манфаатлари жамият манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотлар бошқарув органларида иштирок қилиш учун жамият бошқарувини олдиндан хабардор қилиш ва рухсат олиш;

➤ бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлаш мақсади тўғрисида жамият бошқарувини олдиндан хабардор қилиш ва мўлжалланган иш жамият манфаатларига зид келмаслигини тасдиқловчи ахборотни тақдим қилиш.

## **VI. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.**

6.1. Жамиятда вужудга келган манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш ва бартараф этиш учун жамиятнинг бошқаруви аъзолари ва тизимдаги туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари, ходимлари жамиятнинг манфаатларига мос келадиган судга муурожаат қилишгача бўлган қонуний ва асосланган ечимни қидиради.

6.2. Жамият акциядорлари ва миждозлар томонидан жамият бошқарув ва назорат органлари, корпоратив малаҳатчи номига ва таркибий бўлинмаларга келиб тушадиган хатлар, аризалар ва талабномалар (шу жумладан, оғзаки) ҳисоб (рўйхат)га олиниши ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

6.3. Корпоратив манфаатлар қарама-қаршиликларни ҳисобга олиш жамиятнинг корпоратив маслаҳатчи зиммасига юкланади. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси корпоратив низога дастлабки баҳо беради, масала мазмун-моҳияти бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлайди ва кузатув кенгаши билан ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда уларни жамиятнинг мазкур корпоратив низони кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган бўлимга топширади.

6.4. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси акциядорларнинг тез-тез учрайдиган масалалари ва талабаларини таҳлил қилади, ушбу масалалар бўйича барча акциядорларга кўшимча ахборот тақдим қилиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилади ёки мазкур турдаги муурожаатларни юзага келтирувчи сабабларни бартараф қилиш мақсадида жамият бошқарувига ички тартиблар ва кўрсатмаларни ўзгартириш, бошқа тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар киритади.

6.5. Миждоздан ёки бошқа манбалардан низоли вазият тўғрисида маълумот олган маъсул ходим жамият бошқарувини бу тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши шарт. Низони жамият

бўлими бошлиғи ёки туман (шаҳар) филиали раҳбари даражасида ҳал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, тегишли бўлим бошлиғи бир иш куни мобайнида бошқарув директориға ёки унинг ўринбосарига низо, унинг юзага келиш сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт.

Бошқарув директори ёки унинг ўринбосари низони ҳал қилиш тартибини белгилайди, маъсул ходимни тайинлайди.

Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун Бошқарув директори ёки унинг ўринбосари низони ҳал қилиш тартибини белгилайди, маъсул ходимни тайинлайди, манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун комиссия ташкил қилади.

6.6. Маъсул ходим ёки (комиссия) манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун барча чораларни кўради. Агар уни бартараф қилиш имкони бўлмаган тақдирда, бошқарув директори ушбу масалани жамият бошқаруви мажлиси муҳокамасига киритади ва кузатув кенгаши раисига низо тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

6.7. Жамият бошқаруви томонидан манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича тақдим қилинган маълумотларни жамият кузатув кенгаши томонидан манфаатлар қарама-қаршилигининг жамият фаолиятидаги таъсири, унинг ҳажми ва бошқа шу каби кўрсаткичларидан келиб чиқиб унинг навбатдаги мажлис муҳокамасига киритади ёки ушбу масалани зудлик билан ҳал қилиш мақсадида навбатдан ташқари йиғилиш чақирishi мумкин.

6.8. Жамият фаолиятининг босқичида жамият бошқарув директори ёки унинг ўринбосарларига дахл қилган ёки дахл қилиш эҳтимолига эга низо тўғрисидаги маълумотлар уч иш куни мобайнида кузатув кенгашига низони ҳал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда кўмита (ишчи гуруҳ) томонидан келгуси кўриб чиқилиш ва мазкур масала бўйича хулоса тақдим қилиниши учун топширилади.

6.9. Низони кўриб чиқилиш натижасида жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқилиш ёки амалдаги ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келган тақдирда, кузатув кенгаши ёки жамият бошқаруви томонидан тегишли ҳужжатни ишлаб чиқилиш ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

6.10. Жамиятнинг бошқаруви, жамиятда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигларини имкон қадар тез аниқлаш, уларнинг юзага келиши сабабларини белгилаш;
- жамият бошқаруви ваколати ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш;
- жамиятнинг маъсул ходимини белгилаш ва низоларни ҳал қилиш бўйича қуйидаги комиссия таркиби асосида амалга оширилади:

- манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича маъсул ходим;
- ходимларни бошқариш бўйича инспекто;
- юридик бўлим бошлиғи;
- касаба уюшма кумитаси раиси;
- акциядорлар билан корпоратив муносабатларни ўрнатиш бўйича етакчи мутахассис.

- имкон қадар қисқа муддатларда низони ҳар томонлама ўрганиб чиқилиш, тегишли қарор қабул қилиш ва уни низонинг иккинчи томони эътиборига етказиш;

- низонинг иккинчи томонига жамият низонинг мазмун моҳияти бўйича асосланган нуқтаи назари акс эттирилган тўлиқ ва батафсил жавоб юбориш, шунингдек низо иштирокчиси илтимоси ёки талаби қондирилишини рад қилиш тўғрисидаги хабарномани амалдаги қонунлар, жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган меъёрий (норматив) ҳужжатлар, Устав ва ички тартиб ҳужжатлари асосида исботлаш;

➤ низони ҳал қилишда қатнашган маъсул ходимининг ушбу низо унинг манфаатларига ёки унинг оила аъзолари манфаатларига дахл қилаётганлиги ёки дахл қилиши мумкинлиги тўғрисида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;

➤ низо манфаатларига дахл қилаётган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони ҳал қилишда ва у бўйича қарор қабул қилишда қатнашмаслигини таъминлаш.

6.11. Акциядорлар, жамият бошқаруви ва акциядорлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун:

➤ кузатув кенгашининг мустақил аъзоси жамият акциядорлари ўртасида юзага келган низони ҳал қилишда воситачи бўлиши мумкин;

➤ жамиятнинг маъсул ходими акциядорлар ўртасидаги музокараларда қатнашиши, акциядорларга уларнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ва низога тегишли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари, жамият устави ва ички ҳужжатларини тушунтириши мумкин;

➤ жамиятнинг ваколатли органлари ёки маъсул ходим акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзоланиш учун низони ҳал қилиш тўғрисида ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, жамият номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низони ҳал қилишга кўмаклашадиган даражада мажбуриятлар қабул қилади;

➤ жамиятнинг бошқаруви ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш бўйича қарорлар бажарилишини ташкил қилиши ва жамият номидан низо иштирокчиси томонидан имзоланган келишувлар ижросига кўмаклашиши керак. Низо томони ва жамият ўртасида уларнинг мажбуриятлари моҳияти бўйича низо бўлмаган, бироқ уларнинг бажарилиш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар юзасидан келишмовчиликлар юзага келган ҳолатларда, жамият низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишни таклиф этиши ва жамият акциядори талабларини қондиришга тайёр шартларни баён қилиши мумкин;

➤ агар жамиятнинг акциядори талабларини қондиришга розилиги ушбу томоннинг амалдаги қонунлари, жамият устави ёки бошқа ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бирор-бир ҳаракатларни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлса, жамият жавобида бундай шартлар тўлиқ тарзда кўрсатиб ўтилади, шунингдек уларнинг бажарилиши учун керакли ахборот (масалан, акциядор томонидан расмий талаб қилинган ҳужжатлар нусхаларини ёки жамиятнинг банк реквизитларини тайёрлаш учун тўлов миқдори ва ҳ.к.) маълум қилинади.

6.12. Мазкур чоралар рўйхати мукамал ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар тўқнашуви юзага келиш соҳасига қараб, низони ҳал қилишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

7.1. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

7.2. Агар мазкур Низомнинг айрим меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва/ёки жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга оид ўзгартишлар киритиладиган пайтга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари меъёрларига ва/ёки жамият Уставига амал қилиниши керак.